



## **IMPROVING THE ASSESSMENT OF THE ECONOMIC EFFICIENCY OF INVESTMENT PROJECTS**

**Uchkurova Nodira Komiljon qizi**

**Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan**

**Higher School of business and entrepreneurship listener**

### **ANNOTATION**

The presence of a number of problems in the effective organization of assessing the financial and economic efficiency of investment projects in our country negatively affects the activation of Investiture processes, the construction of large facilities, the effectiveness of the use of investments. In particular, the feasibility study of investment projects should not be carefully prepared, marketing research on the project should not be carried out correctly, preliminary identification of risks on the project and imperfection of the methodology for calculating, etc.k.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, инвестиция лойиҳаларининг молиявий- иқтисодий самарадорлигини баҳолашни ўрганиш ва мавжуд муаммолар ечимини топиш ҳамда лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф-тавсияларни ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Давлат, корхона ва ташкилотларнинг муҳим вазифаларидан бири инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммосининг моҳияти шундан иборатки, ҳар хил харажат бирлигига (меҳнат, моддий, молиявий) ишлаб чиқариш ҳажми, хизматлар ва фойда ҳамда миллий даромадни оширишга эришиш лозим бўлади.

Маълумки, микро ва макро иқтисодиёт ҳамда уларнинг секторларида “самара” ва “самарадорлик” деган атамаларни тез-тез учратиш мумкин. Улар ўзларининг иқтисодий моҳияти ва мазмунига қараб бир-бирларидан





фарқланади. “Самара” тушунчаси ўзида иқтисодий жараённинг қандайдир бирор бўлагиди (бўғинида) қўлланилган тадбирларнинг берган натижасини (ижобий натижага эришишни) ўзида акс эттиради. Самарадорлик – мутлақ кўрсаткич бўлиб, у ишлаб чиқаришнинг иқтисодий натижаларини кўрсатади.

Молиявий баҳолаш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш жараёнидаги ликвидлигини таҳлил қилишда ишлатилади. Бошқача айтганда, **молиявий баҳолаш** вазифаси, лойиҳани белгиланган муддатларда амалга ошириш учун, унинг жами молиявий мажбуриятларини бажаришга корхонанинг етарли молиявий ресурслари бўлишини белгилашдир.

**Иқтисодий баҳолаш** эса, инвестиция лойиҳасининг потенциал қобилияти, шу лойиҳага қўйилган маблағларнинг қийматини сақлаб қолишда ва уларнинг ўсиши суръатини етарли даражасини яратиб беришда фойдаланилади.

Одатда, инвестиция лойиҳалари иқтисодий самарадорлигини баҳолаш олтига усулни ўз ичига қамраб олади. Ўз навбатида, уларни икки асосий гуруҳга ажратиш мумкин: дисконтлаш концепциясидан фойдаланишни назарда тутмайдиган усуллар ва пул оқимини дисконтлаштириш асосида баҳолаш усуллари(1-расм).





1-расм. Инвестиция лойиҳаларининг молиявий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари.

Инвестиция қарорларини қабул қилишда инвестиция лойиҳаларини баҳолаш, таҳлил қилиш, танлаш ва амалга оширишнинг илмий асосланган усулбуйятидан фойдаланиш муҳим саналади. Шунингдек, инвестициялар хусусида қарорлар қабул қилинишида уларни молиявий маблағлар билан таъминлаш жараёнларини шундай ташкил қилиш керакки, бунда уларнинг қийматини минималлаштириш ва жойлаштириладиган капиталнинг фойдалилигини оширишга қодир манбалардан фойдаланиш йўларини баҳолаш керак бўлади. Инвестиция қарорларининг қабул қилиниши инвестиция капиталининг тузилиши, унинг муайян вақт давомида тақсимланиши ҳамда пулнинг жорий қийматини ҳисоблашга имкон берувчи дисконтлаш коэффицентларини қўллашни талаб этади.

Ҳозирги вақтда инвестицион лойиҳалар самарадорлигини таҳлил қилишнинг ягона концепцияси мавжуд эмас, уни амалга ошириш ва молиялаштириш учун инвестицион лойиҳаларни танлаш мақсадга мувофиқлигини баҳолашнинг стандарт методологияси ишлаб чиқилмаган.





Инвестициялар самарадорлигини таҳлил қилиш учун инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолашнинг стандарт методологиясидан фойдаланиш керак, бу эса инвестициялар ва жорий харажатларнинг рентабеллиги ва самарадорлиги кўрсаткичлари асосида лойиҳани амалга ошириш натижаларини башорат қилишни тавсия қилади. Ушбу ёндашув, ҳар қандай инновация инвестицияларни талаб қилиши билан асосланади ва шу нуқтаи назардан, инновацион лойиҳа инвестиция лойиҳасининг алоҳида тури сифатида кўриб чиқиши мумкин.

“Ўзбектелеком” АК инвестицион лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш вазифаларига келсак, биз мезонлар рўйхати услубининг бирлаштирилган вариантыдан фойдаланишни ва баҳолаш мезонларининг бешта гуруҳини аниқлашни тавсия қиламиз:

- ижтимоий мезонлар;
- иқтисодий мезонлар;
- бозор мезонлари;
- инвестициялар самарадорлиги мезонлари;
- илмий ва техник мезонлар.

Ҳар бир мезон гуруҳида ўзига хос кўрсаткичлар аниқлаб олинади, улар инновация соҳасидаги юқори малакали мутахассислар томонидан баҳоланади. Телекоммуникация лойиҳасининг муваффақият даражасига қараб, мутахассислар маълум кўрсаткичлар учун 0 дан 3 баллгача баҳо беришади. Бал қанча юқори бўлса, ушбу кўрсаткич учун инвестицион лойиҳа шунчалик муваффақиятли деб ҳисбланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштириш бўйича жорий этилган янги тартиб асосида ишларни ташкил этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи, 2018 йил, 17 январь.

2. Ғозибеков, Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. - и.ф.д. дисс. Автореф. 11-14 б.

3. Банковское дело и финансирования инвестиций, /Под редакции Н.Брука. Институт экономического развития Всемирного банка, 1-том, 2-часть, 1995. – С. 281.

